

GKJ

GEODEZIYA, KARTOGRAFIYA VA GEOINFORMATIKA
ILMIY - TEXNIK JURNALI

ISSN-I-2181-4546



GEODEZIYA
KARTOGRAFIYA
GEOINFO

№3
2024

Mundarija/Cодержание/Contents

<i>Sh.A.Suyunov, I.M.Pirnazarov, Sh.Sh.Tuxtamishev</i> - Raqamli xaritalarni davlat kadastrlari yagona tizimida qo'llash metodikasi.....	6
<i>A.A.Abduraximov, R.Q.Oymatov, Sh.N.Zokirov</i> - QGIS dasturida bosqichma-bosqich bajariladigan vazifalarni PyQGIS dasturlash tili yordamida umumlashtirish orqali ish samaradorligini oshirish	9
<i>B.Y.Maxsudov, N.N.Teshayev</i> - Crop identification in remote sensing imagery: a systematic review of machine learning and deep learning approaches	15
<i>A.N.Inamov, D.G.Norboyeva</i> - Meridianlar og'ishini inobatga olgan holda topografik kartalarni rasmiylashtirish.....	20
<i>Ю.А.Усманов, Ў.Б.Мухторов</i> - Дегредацияга учраган суғориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритишнинг аҳамияти	29
<i>Ю.А.Усманов, Ў.Б.Мухторов</i> - Дехқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимининг ер ислоҳотидаги ўрни ва вазифалари	33
<i>Z.I.Raximova</i> - Madaniy meros va turizm ob'yektlari ma'lumotlar bazasini yaratish.....	38
<i>A.C.Rӯзиев, O.F.Юсупжонов</i> - Шаҳар каркас тармоғини сунъий йўлдош қузатишларидан фойдаланиб ривожлантириш (тошкент шаҳри мисолида).....	42
<i>A.K.Қўлдошева</i> - Правовое обеспечение ведения и организации государственного кадастра.	49
<i>Z.Mamatkulov, M.Nuraliyev, F.Tohirova</i> - Masofadan zondlash ma'lumotlari asosida tuproq sho'rланishini aniqlash	53
<i>Б.М.Успанкулов, М.О.Абдураҳимова</i> - Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг обьекти ва таркибий қисмлари	59
<i>Б.М.Успанкулов</i> - Бинолар ва иншоотлар кадастрига оид ахборотларни ишлаб чиқища таққослаш услубини такомиллаштириш	63
<i>Қ.Рахмонов</i> - Маҳалла фуқаролар йиғини ва фермер хўжаликлари ер балансини ишлаб чиқища креатив ёндошувлар	69
<i>Қ.Рахмонов</i> - Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ер кадастри хужжатлари ва маълумотларини шакллантиришни такомиллаштириш	74
<i>Z.Mamatkulov, D.Zarifboyev, M.Nuraliyev, U.Hudoiberganov</i> - G'o'za ekinining holati va rivojlanishini masofadan zondlash ma'lumotlari yordamida tahlil qilish	78
<i>O.Muxtorov, D.Shog'darov</i> - Respublikada lalmi yer maydonlarining mavjud holati va undan foydalanish holati	82
<i>D.A.Egamova</i> - Xususiyashtirilgan yer uchastkalarini yuzasidan kadastr hujjatlarini yuritishning xususiyatlari	86
<i>М.Қ.Султанов</i> - Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини геоинформациян алгоритмлар асосида прогноз қилишнинг интеграцияион ёндашувлари	92
<i>F.S.Safarov</i> - Respublikamizdag'i mavjud ichimlik suvi hisobini yuritishning bugungi kundagi holati va istiqbollari	99
<i>Sh.A.Suyunov</i> - Aholiga ichimlik suvni yetkazishni yuritishda geodezik-kartografik asosni ishlab chiqish	104
<i>М.Абдураҳимова, Б.Успанкулов</i> - Ер кадастри ахбороти соҳасидаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш	110
<i>A.Inamov, Q.Jo'rayev</i> - Zomin milliy bog'idagi o'rmon yong'inlarini masofadan zondlash yordamida baholash: NBR va NDVI qiyosiy tahlili	117
<i>Z.Abdurahmonov, I.Musayev, I.Aslanov</i> - Qishloq xo'jaligi yerlarining mavsumiy monitoringini o'tkazishda masofadan zondlash va gis texnologiyalaridan foydalanish (Termiz tumani, misolida)	120
<i>Z.Abdurahmonov, I.Musayev, I.Aslanov</i> - qishloq xo'jaligi ekin turlari va maydonlarini yerni masofadan zondlash usuli asosida monitoring qilish	125
<i>R.K.Oymatov, M.B.Baxriyev, A.Xaqberdiyev</i> - QGIS orqali RUSLE tenglamasining nishab uzunligi (L) va nishab tikligi omili (S) ni baholash	132
<i>R.Oymatov, M.Baxriyev, Sh.Asarov, T.Teshayev</i> - Ochiq manba ma'lumotlaridan olingan raqamli balandlik modellarining vertikal aniqligini baholash	137

5. Чернышев А.К. Приборы и оборудование для оперативной оценки засоления почв, применяемые в мировой практике и в Республике Узбекистан. Т.:2005. - 18 с.
6. Abdelrahman, M. A. E., Afifi, A. A., D'antonio, P., Gabr, S. S., Scopa, A.. Detecting and Mapping Salt-Affected Soil with Arid Integrated Indices in Feature Space Using Multi-Temporal Landsat Imagery. *Remote Sensing*, 14(11). 2022.
7. Wu, W., Al-Shafie, W. M., Mhaimeed, A. S., Ziadat, F., Nangia, V., Payne, W. B. Soil salinity mapping by multiscale remote sensing in mesopotamia, Iraq. *IEEE Journal of Selected Topics in Applied Earth Observations and Remote Sensing*, 7(11), 2014. – Pp. 4442–4452.
8. Al-Khakani, E. T., Yousif, S. R. An assessment of soil salinity and vegetation cover changes for a part of An-Najaf governorate using remote sensing data. *Journal of Physics: Conference Series*, 1234(1). 2019.
9. Baillarin, S. J., Meygret, A., Dechoz, C., Petrucci, B., Lacherade, S., Tremas, T., Isola, C., Martimort, P., Spoto, F.. Sentinel-2 level 1 Products and Image Processing Performances. The International Archives of the
- Photogrammetry, Remote Sensing and Spatial Information Sciences, XXXIX-B1. 2012. - Pp. 197–202.
10. Oymatov R.Q. Geoaxborot tizim va texnologiyalari asosida qishloq xo‘jaligining elektron kartalarini tuzish uslubini takomillashtirish (Buxoro viloyati misolida). Dissertatsiya avtoreferati. Texnika fanlari falsafa doktori (PhD.) 2021. – 46 b.
11. <https://www.fao.org/3/r4082e/r4082e08.htm#7.2%20salinity>
12. Sekandari, M., Masoumi, I., Pour, A. B., Muslim, A. M., Rahmani, O., Hashim, M., Zoheir, B., Pradhan, B., Misra, A., Aminpour, S. M. Application of Landsat-8, Sentinel-2, ASTER and Worldview-3 spectral imagery for exploration of carbonate-hosted Pb-Zn deposits in the Central Iranian Terrane (CIT). *Remote Sensing*, 12(8). 2020.
13. Golmehr, E. Current Application of Remote Sensing Techniques in Land Use Mapping: A Case Study of Northern Parts of Kolhapur District, India. *J. Appl. Sci. Environ. Manage*, 13(4), 2009. – Pp. 15–20.
14. Fu, W., Ma, J., Chen, P., Chen, F. Remote Sensing Satellites for Digital Earth. 2019. - Pp. 55–123.

UUK: 528.441:631.2(575.111)

БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ДАВЛАТ КАДАСТРИНИНГ ОБЪЕКТИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Успанкулов Бекжан Мусабекович - “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети
Абдураҳимова Моҳигул Ойбек қизи - “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети

Аннотация. Мақолада норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, соңага оид манбалар таҳлили асосида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг объекти ва таркибий қисмларини аниқ белгилари масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: Бино ва иншоотга тариф, бинолар ва иншоотлар кадастрининг объекти, таркибий қисмлари, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, бинолар ҳисобини юритиш, баҳолаш, турар жой, нотурар жой.

Аннотация. В статье освещены вопросы определения объектов и составляющих государственного кадастра зданий и сооружений на основе анализа нормативных правовых документов и источников, относящихся к данной сфере.

Ключевые слова: Тариф на здания и сооружения, объект, составляющие кадастра зданий и сооружений, государственная регистрация прав на недвижимое имущество, ведение учета зданий, оценка, жилое помещение, нежилое место.

Abstract. The article covers the issues of defining the objects and components of the state cadastre of buildings and structures based on the analysis of normative legal documents and sources related to the field.

Key words: Tariff for buildings and structures, object, components of cadastre of buildings and structures, state registration of rights to real estate, keeping accounts of buildings, assessment, residence, non-residential place.

Кириш.

Бугунги кунда кўчмас мулк бозорида турли хил амалларни бажариш мақсадида бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг ахборотлари муҳим ҳисобланади. Уларнинг таркибида турли – туман

бинолар ва иншоотлар мавжуд бўлиб, улар турлича тавсифланади. Шундай экан, ушбу кадастр турининг обьекти ва таркибий қисмларини белгилаб олиш зарур. Бунинг учун аввало бино ва иншоот тушунчасига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. Олимларнинг фикрига кўра, бино ва иншоотлар тушунчасини ҳар хил тушуниш мумкин. Хусусан, рус олимларидан бири Л.В.Прохова ўзининг илмий асарларида бино деб, одамларнинг яшаши, ишлаб чиқариш, маданий ва майший эҳтиёжлари ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган бинолар мавжудлиги билан тавсифланган турли хил баланд ер усти қурилмаси сифатида эътироф этган. Жумладан, иншоот деб, маҳсус мақсадларда қурилган қурилмалар (кўприк, платина ва бошқа.) ни эътироф этган [1; 213-с.]. Шу билан бирга, хорижий давлатлар етакчи олимларидан Н.Д. Черниш, Н.А. Митякина, И.А. Дегтевлар фикрларига кўра одамлар моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун турли иншоотлар қурадилар. Одамларнинг яшаш ва турли хил фаолияти учун мўлжалланган, хоналардан иборат ер устки қурилиш иншооти бино деб аталади. Хоналариз ёки хоналарга эга ушбу иншоотларнинг асосий мақсадини белгиламайдиган алоҳида иншоотларга муҳандислик иншоотлари деб аталади. Бинонинг ички қисми алоҳида хоналардан иборат бўлади. Хона-бу ҳар томондан чекланган бино ичидаги ягона жойдир деб эътироф этганлар [2; 22-с.].

Юқоридагилардан кўринадики, бино ва иншоотлар бир бирига ўхшаш аммо бино турар ёки нотурар мақсадларда бўлиши мумкин, иншоот эса фақат нотурар жой ёки қурилиш тизими сифатида қабул қилинади. Ушбу масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида республикамиз

олимлари томонидан ишлаб чиқылған норматив ҳуқүкій ҳужжатлар ва манбааларни таҳлил қилиш зарур, жумладан 2021 йил 22 июняғи 389-сонли “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқүкій ҳужжатларни тасдиқлаш тұғрисида” қарорининг З-иловасида бино ва иншоотга қуидагича таъриф келтирілген:

“Функционал мақсадига қараб, одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришига мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими бино, ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбобускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат, ер тепасида, ер юзасида ва ер остида ҳажмли, яssi ёки чизик тарзида жойлашган қурилиш тизими иншоот деб аталади” [3].

Республика олимларидан А.С. Уралов, Т.Ф. Кушмановларнинг эътироф этишича, бино- инсон томонидан маълум мақсадда ер устида қуриладиган иморатларнинг йирик бир гурӯҳи бўлиб, уларда турли-туман ижтимоий, маъмурий, хўжалик ва ишлаб-чиқариш жараёнларини амалга оширишга мўлжалланган моддий, табиий ёруғлик билан ёритиладиган ва қишида иситиладиган ички муҳит яратилади. Биноларни бажарадиган вазифаларига қараб 4 та асосий гурӯҳга: турар-жой бинолари, жамоат, саноат ва қишлоқ хўжалиги бинолари гурӯҳларига бўлиш мумкин. Турар-жой ва жамоат бинолари гурӯҳи биргаликда

фуқаро бинолари деб ҳам аталади дейишган [4; 7-б.].

Бизнинг фикримизча бино деганда одамларнинг доимий ёки вақтинча яшаши, маълум бир мақсадларда (маъмурий, хўжалик ва ишлаб чиқариш) фаолият кўрсатиши учун мўлжалланган иморат деб, иншоотни эса одамларнинг фақат вақтинча бўлиш ёки хизмат вазифасини бажарувчи қурилма сифатида қабул қилиш мумкин. Ўз ўрнида улар ҳажмли, текис ва чизикли турларда бўлиши мумкин. Иншоотнинг ҳажмли турда бўлиши уни баъзи бир холларда ҳам иншоот, ҳам бино сифатида қабул қилиш мумкинлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида бино ва иншоот сўзининг қўлланилишида уларнинг доимий равища биргаликда ифодаланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Агар иншоот текис ва чизикли турларда бўлса уни муҳандислик иншоотлари деб аташ мақбул ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб бинолар ва иншоотлар давлат кадастри мақсадларида бино ва иншоот атамасига аниқлик киритиш мумкин. Бунинг учун аввалги тадқиқотларда эътироф этилган ушбу кадастрнинг ривожланиш босқичлари бўйича асосланган таҳлилий тадқиқотга мурожаат этамиз [5; 114-116-б.]. Тарихий босқичда ушбу кадастр турини юритиш турар жой бўйича техник йўқламадан ўтказиш бюроси, нотурар жой бўйича кўчмас мулк кадастр хизмати зиммасига юклатилган, аммо кейинчалик давлат кадастрлари ягона тизимидағи бошқа кўчмас мулкларга оид кадастр турларининг пайдо бўлиши кўчмас мулк атамасини бино ва иншоот сўзига ўзгартирилишига сабаб бўлганлиги фараз қилинади.

Бизнинг фикримизча, ушбу кадастр тури айнан уй-жой ва фуқаролик хизматлари учун юритилганлик сабабли турар жой

объектлари бино сифатида, нотурар жой объектлари ҳам бино ҳам иншоот сифатида қабул қилинган деб ўйлаймиз. Бундан ташқари турар ва нотурар жой бино ва иншоотлари билан биргаликда хўжалик мақсадлари учун қурилган иморатларни иншоот сифатида қабул қилинган деган фикрларга тўхтalamиз. Бундай масалага янада аниқлик киритиш учун, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой бинолари ва иншоотлари тикланиш қиймати аниқлаш бўйича жамланмага мурожаат қиламиз ушбу жамланмада якка тартибда қурилган иморатга тегишли хўжалик объектлари равон, айвон, бостирма, ҳожатхона, омборхона, ошхона, ҳаммом, девор, дарвоза ва шу каби бошқа объектлар иншоот сифатида қабул қилинган [5; 30-б.].

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг объектларини белгилаш мумкин. Бино ва иншоотлар давлат кадастрининг обьекти деганда ер участкасида жойлашган барча биноларни тушуниш мумкин. Улар турар ва нотурар тоифада намоён бўлиб, бино турар жой, иншоот эса нотурар жой сифатида қабул қилинган деган фикрларга тўхтalamиз. Жумладан турар жойлар тоифасига фуқаролик мақсадларига хизмат қилувчи томорқа ер участкасида жойлашган уй-жойлар, кўп хонадонли уйлар, нотурар жой эса савдо сотиқ, бошқарув, жамоат ва бошқа мақсадларга хизмат қилувчи иморатларни тушуниш мумкин.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки маҳсус иншоотлар яъни гидротехника иншоотлари: сув омборлари тўғонлари, дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги тўғонлар, дарёларнинг ўзанларини тўсувчи иншоотлар, сув олиш, сув ўтказиш, сув ташлаш ҳамда қирғоқларни ҳимоя қилиш иншоотлари,

гидроэлектростанциялар, насос станциялари, автомобил йўллари га тегишли муҳандислик иншоотлари ва бошқа шу каби иншоотлар бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг обьектлари ҳисобланмайди. Аммо бинолар ва иншоотлар ҳамда ер кадастри ахборотлари давлат кадастри ягона тизимида мавжуд қолган ўн саккиз турдаги кадастрлар учун хизмат қилади. Негаки, барча кадастр турларида турар ёки нотурар жойлар мавжуд бўлиб, уларни рўйхатдан ўтказиш, доимий равишда ҳисобини юритиш ва баҳолаш зарурдир.

Илмий тадқиқот давомида юқоридаги қайд этилган муаммолар каби бинолар ва иншоотлар кадастрининг таркибий қисмлари ҳам аниқ келтирилмаганлиги аниқланди. Жумладан, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри 2005 йилдан юритилишига қарамасдан бирорта норматив ҳужжатларда ва адабиётларда унинг таркибий қисмлари аниқ белгиланмаганлигига эътибор қаратилади. Хусусан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 389-сонли “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айrim норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” [қарорининг](#) 2-иловасида “Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида” ги низомида ҳам унинг таркибий қисмлари ёритилмаган.

Бундай масалага аниқлик киритиш мақсадида республика олимларининг бир қанча илмий асарлари таҳлил қилинди. Хусусан, Д.О. Жўрақуловнинг адабиётларда ер ва бино-иншоотлар рўйхати ва ҳисобини юритиш масалалари ёритилган [7]. Н.Нишонбоев илмий асарларида кўчмас мулк кадастри- кўчмас мулк обьектларига нисбатан мулкий ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида барпо этилган давлат томонидан ҳисобга

олиш, уларни баҳолаш ва мулкка нисбатан хуқуқий ҳолатларни аниқлашга доир давлат ахборот тизими дея эътироф этган [8; 48-б.].

Юқоридагилардан кўринадики бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ер участкаси, бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни ҳисобини юритиш ҳамда баҳолаш ишлари билан боғлиқ.

А.Р.Бабажанов ва Қ.Рахмоновлар илмий адабиётларида ер кадастри-нинг таркибий қисмларини аниқ белгилаб берганлар [9; 13 б.]. Ушбу тажриба ва юқорида қайд этилган фикр мулоҳазалар ҳамда кадастр турининг обьектларидан келиб чиқиб, бинолар ва иншоотлар кадастрининг таркибий қисмини белгилаш мумкин. Шундай қилиб бинолар ва иншоотлар кадастрининг таркибий қисми деганда, кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, бинолар ва иншоотлар ҳисобини юритиш, биноларни баҳолаш ҳамда уларга доир ахборотларни яратиш кабиларига бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хуроса ўрнида таъкидлаш жоизки бинолар ва иншоотлар давлат кадастрининг обьекти ва таркибий қисмларини аниқ белгилаш, ушбу кадастр турининг назарий маълумотлари янада бойитиш учун хизмат қиласди.

**Фойдаланилган адабиётлар
рўйхати**

1. Л.В.Прохова. Системы производственных технологий. Учебное пособие. Челябинск 2007 г. 213-с.

2. Н.Д.Черныш, Н.А.Митякина, И.А.Дегтяев. Основы проектирование зданий и сооружений. Белгород издательство 2006 г. 22 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 22-июндаги 389-сонли “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга соловчи айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

4. А.С. Уралов, Т.Ф. Кушманов. Бинолар типологияси. Дарслик. Т.: 2012. 178-бет.

5. Б.Успанкулов. Бино ва иншоотлар давлат кадастрининг ривожланиш босқичлари. АгроВИД журнали маҳсус сон, Т., 2022 й. 114-116 б.

6. 1998 йил 21 январда № 35 сонли Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бинолар ва иншоотлар бўйича инвентаризация ва баҳолаш ишларини олиб бориш тўғрисида”ги қарори.

7. Д.О. Журақулов. Ер ва бино иншоотлар рўйхати ва ҳисоби. Дарслик. Тошкент. Фан. 2019. – 560 б.

8. Н.Нишонбоев. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма. Т.:ТАҚИ.2005 й.

9. Бобоҷонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. “Ер кадастри” фанидан дарслик. Т.:ТИМИ, 2008 й.

УЎК: 528.441.631.2.001.895

БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР КАДАСТРИГА ОИД АХБОРОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ТАҚҚОСЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Успанкулов Бекжан Мусабекович
университети

Аннотация. Ушбу мақоладамулк солиғини ўз вақтида ундириши

- “ТИҚҲММИ” Миллий тадқиқот

мақсадида янги барпо этилган биноларни ўз вақтида